## АТ Халқ банкининг миллий ва хорижий валютадаги депозитлари ҳамда уларнинг "Шарт ва қоидалари" тўғрисида 20.07.2019 йил ҳолатига МАЪЛУМОТ

| № | Омонат номи | Муддати | Йиллик фоизи | Бошлангич бадал миқдори | Қўшимча кирим муомалаларини амалга ошириш | Бошқа шартлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Миллий валютадаги депозитлар ва уларнинг шарт-қоидалари** | | | | | | |
| **ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ОМОНАТИ** | | | | | | |
| 1 | Талаб қилиб олингунча | муддатсиз | 0,0 | 0,0 | мумкин | "Талаб қилиб олингунча" омонатга маблағлар нақд ёки нақд пулсиз кирим қилинади. Омонат маблағлари нақд пул ва нақд пулсиз шаклда берилади. |
| **ЖАМҒАРМА ОМОНАТЛАРИ** | | | | | | |
| 2 | Янги уй пойдевори | 12 ой | 1% | олинаётган уй-жой қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорида | мумкин | Уй-жой олувчи жисмоний шахслардан нақд пулда қабул қилинади ҳамда омонатчилар ўзларининг банкдаги мавжуд муддатли ва жамғарма омонат маблағларини ушбу омонатга қайта расмийлаштиришлари мумкин.<br>Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчи хоҳишига кўра унинг ёзма топшириғига мувофиқ омонат маблағи билан бирга уй-жой сотувчининг ҳисобварағига ўтказиши, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни сўндиришга йўналтириши, нақд пулда бериши, бошқа омонат турларига расмийлаштириши ёки бошқа ҳисобварақларга ўтказиши мумкин. |
| 3 | "Оила жамғармаси" | 5 ой | 14% | чекланмаган миқдорда | мумкин | Омонат турига пул маблағлари жисмоний шахслардан нақд пул ва пластик карталардаги шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва стипендия маблағлари нақд пулсиз шаклда қабул қилинади. Омонат муддати даврида қўшимча маблағлар нақд пулда ва пластик карталардаги шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва стипендия маблағлари нақд пулсиз шаклда қабул қилинади. |
| 4 | "Фаровон хаёт" | 1,2,3 йил | 1% | истеъмол кредит қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида | мумкин | Омонат турига пул маблағлари истеъмол кредити расмийлаштираётган фуқаролардан, кредитдан фойдаланиш даври муддатига (1 йил, 2 йил ва 3 йил) сақлаш шарти билан миллий валютада қабул қилинади. Истеъмол кредити Тартибга асосан ажратилаётган истеъмол кредит миқдорининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда нақд ёки нақдсиз шаклда (мавжуд омонатини қайта расмийлаштириш ва пластик картасидаги маблағлар ҳисобидан) қабул қилинади. Омонат муддати даврида қўшимча бадаллар киритилмайди. Ҳисобланган фоизлар омонатчининг хохишига кўра кредит бўйича фоизлар ва асосий қарздорликни сўндиришга йўналтирилиши мумкин. |
| 5 | "Ватанпарвар" | 12 ой | 0,0 | 0,0 | мумкин | Омонат турига пул маблағлари омонатчиларга очилган ҳисобварақларга фақатгина ҳудудлардаги Ҳарбий қисмлар томонидан тақдим этган рўйхат асосида банк филиаларига ҳар ойда нақд пулсиз шаклда ўтказиб берилган маблағлар орқали кирим қилинади. Омонат муддати тугаганда омонат маблағи мижознинг аризасига мувофиқ пластик картасига ўтказиб берилади. |
| 6 | "Онлайн капитал" | 6 ой | 14% | 100 000 сум | мумкин | Жисмоний шахслар ўзларининг АТ Халқ банки тизимида очилган UzCard пластик карталаридаги пул маблағларини, шунингдек, жамғарма кассада сақланаётган жамғарма ва муддатли омонатларини банкнинг интернетдаги “www.xb.uz” сайтидаги “Шахсий кабинет”и орқали ёки “XALQ Mobile” мобил дастури ёрдамида мазкур “Online Kapital” омонатига ўтказишлари мумкин. омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра, Банкнинг интернетдаги “www.xb uz” сайти, “Шахсий кабинет” ёки “XALQ Mobile” мобил дастури орқали шу турдаги бошқа омонатларга ёки жисмоний шахсларнинг пластик карталарига, коммунал тўловлар, уяли алоқа хизматлари ва бошқа бир марталик тўловлар учун ўтказилиши мумкин. |
| 7 | "Автокредит" | 12 ой | 1% | олинаётган автомашина қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорида | мумкин | омонат турига маблағлар ажратилаётган “Автокредит” кредит миқдорининг энг камида 30 фоизи ва ундан ортиқ миқдори, Ўзбекистон Республикаси судьялари ва уларга тенглаштирилган шахсларга Ўзавтосаноат расмий диллерларидан (автосалонлардан) енгил автомашина харид қилиш учун ажратилаётган “Автокредит” кредит миқдорининг энг камида 25 фоизи ва ундан ортиқ миқдори нақд ёки нақдсиз шаклда қабул қилинади. |
| 8 | Болалар хазинаси | 7 ёшдан 18 ёшга тулгунча | 18% | 100 000 сум | мумкин | “Болалар хазинаси” миллий валютадаги жамғарма омонат турига маблағлар жисмоний шахслардан банкнинг барча филиаллари томонидан 7 ёшга тўлган болалар номига очилади ва бола 18 ёшга тўлиқ тўлгунга қадар сақланади. Омонатчига “Болалар хазинаси” омонатидаги пул у 18 ёшга тўлиқ тўлганда ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) тақдим этгандан кейин берилади. |
| 9 | Exclusive | 13 ой | 22% | 100 000 сум | мумкин | Омонат турига мижозлардан маблағлари нақд пулда ёки нақд пулсиз (*жумладан пластик карта орқали* ) шаклда қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фоизли даромад ойма-ой тўлаб берилади. |
| 10 | Exclusive-2 | 18 ой | 23% | 100 000 сум | мумкин | Омонат турига мижозлардан маблағлар нақд пулда ёки нақд пулсиз (*жумладан пластик карта орқали* ) шаклда қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фоизли даромад ойма-ой тўлаб берилади. |
| **МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРИ** | | | | | | |
| 11 | Хазина-1 | 13 ой | 17% | 500 000 сум | мумкин эмас | Омонат турига мижозлардан маблағлар нақд пулда ёки нақд пулсиз (*жумладан пластик карта орқали* ) шаклда қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фоизли даромад ойма-ой тўлаб берилиши мумкин. |
| | | 25 ой | 18% | | | |
| 12 | Хазина-3 (Онлайн Хазина-3) | 13 ой | 19% | 500 000 сум | мумкин эмас | Омонат турига мижозлардан маблағлар нақд пулда ёки нақд пулсиз (*жумладан пластик карта орқали* ) шаклда қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фоизли даромад ойма-ой тўлаб берилади. Шунингдек, жисмоний шахслар ўзларининг АТ Халқ банки тизимида очилган UzCard пластик карталаридаги пул маблағларини банкнинг интернетдаги “www.xb.uz” сайтидаги “Шахсий кабинет”и орқали ёки “XALQ Mobile” мобил дастури ёрдамида онлайн режимида мазкур “Хазина-3” омонатига ўтказишлари мумкин. |
| | | 18 ой | 20% | | | |
| | | 25 ой | 21% | | | |
| 13 | Меҳнат самараси | 6 ой | 18% | 100 000 сум | мумкин эмас | Омонат турига маблағлар Халқ банки филиалларида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида очилган ҳисоб варақлардаги мавжуд маблағни, фуқаро ушбу маблағни олиш мақомига етганда ҳамда олиш жараёнида, фуқаролар томонидан ушбу маблағни банк омонатига қўйиш истагини билдирганда қабул қилинади (фақат ЖБПТТ иштирокчилари маблағлари). Омонат ҳисобвараги фақатгина ЖБПТТ маблағи эгаси номига очилади ва омонат қўйишга талаб этиладиган ҳужжатларга қўшимча равишда ЖБПТТ маблағини олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳамда чиқим ордерининг нусхалари талаб этилади |
| | | 13 ой | 20% | | | |
| 14 | Юксалиш | 6 ой | 16% | 1 000 000 сум | мумкин эмас | Маблағлар нақд пулда ёки ПК орқали қабул қилинади. Ушбу омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинмайди. Омонатга ҳисобланган фоизлар мижознинг хоҳишига кўра ҳар ойда тўлаб борилади. Олинмаган фоиз маблағлари омонатга қўшиб борилади. (капитализация қилинмайди). |
| 15 | Оптимал | 9 ой | 17% | 1 000 000 сум | мумкин эмас | Маблағлар нақд пулда ёки ПК орқали қабул қилинади. Ушбу омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинмайди. Омонатга ҳисобланган фоизлар мижознинг хоҳишига кўра ҳар ойда тўлаб борилади. Олинмаган фоиз маблағлари омонатга қўшиб борилади. (капитализация қилинмайди). |
| **Хорижий валютадаги депозитлар ва уларнинг шарт-қоидалари** | | | | | | |
| **ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ОМОНАТИ** | | | | | | |
| 16 | Талаб қилиб олингунча | муддатсиз | 0,1% | 10 АҚШ доллари | мумкин | Омонатга маблағлар нақд шаклда қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоизлар йилига бир марта капиталлаштирилади. |
| **ЖАМҒАРМА ОМОНАТЛАРИ** | | | | | | |
| 17 | STIMUL жамғарма | 24 ой | 5% | чекланмаган миқдорда | мумкин | Омонатга маблағлар нақд шаклда қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоиз даромадлари ойма-ой тўлаб берилади. |
| | | 36 ой | 6% | | | |
| **МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРИ** | | | | | | |
| 18 | "Баракали" муддатли | 13 ой | 4% | чекланмаган миқдорда | мумкин эмас | Омонатга маблағлар нақд шаклда қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоиз даромадлари ойма-ой тўлаб берилади. |